

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ**

ХОЛМУРОДОВА ДИЛАФРУЗ КУВАТОВНА

**БИР ЙИЛЛИК ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ПОЯЛАРИ ВА ПОЛИМЕР
БОҒЛОВЧИЛАР АСОСИДА КОМПОЗИЦИОН ЁҒОЧ-ПЛАСТИКЛИ
ПЛИТАЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ САМАРАЛИ ТАРКИБИ ВА ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
02.00.05 – Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Холмуродова Дилафруз Куватовна

Бир йиллик ўсимликларнинг поялари ва полимер боғловчилар асосида композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....5

Холмуродова Дилафруз Куватовна

Разработка эффективного состава композиционных древесно-пластиковых плитных материалов на основе стеблей однолетних растений и полимерных связующих и технологии их получения.....26

Kholmurodova Dilafruz Kuvatovna

Development of an effective composition of composite wood-plastic board materials based on stems of annual plants and polymer binders and technologies for their production.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ**

ХОЛМУРОДОВА ДИЛАФРУЗ КУВАТОВНА

**БИР ЙИЛЛИК ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ПОЯЛАРИ ВА ПОЛИМЕР
БОҒЛОВЧИЛАР АСОСИДА КОМПОЗИЦИОН ЁҒОЧ-ПЛАСТИКЛИ
ПЛИТАЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ САМАРАЛИ ТАРКИБИ ВА ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
02.00.05 – Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc./Т389 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.gupft.uz ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Негматов Сойибжон Содикович
техника фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА академиги

Расмий оппонентлар:

Абед Нодира Сойибжоновна
техника фанлари доктори, профессор
Рамонбердиев Гаппар
кимё фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Республикаси ФА академиги

Эшмуродов Баходир Эшимович
техника фанлари доктори

Давлатов Расул Маматкулович
техника фанлари доктори, доцент


Етакчи ташкилот:


Бухоро давлат университети


Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг **2021 йил «25» июнь соат 10:00** даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

«Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» июнь кuni таркатилди.
(2021 йил «27» апрель № 10-21 рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Умаров**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**М.Э. Икратова**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.н.

**А.М. Эминов**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор



Кириш (фан доктори диссертацияси аннотацияси (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича қурилиш, мебель саноати ва машинасозликда ёғочдан тайёрланган материаллар билан таъминлаш энг истиқболли вазифалардан биридир. Бугунги кунда полимерларни ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 200 млн. тоннани ташкил этади. Бу борада ёғоч-полимер материалларга бўлган талаб ҳам охириги ўн йилга нисбатан бир неча баробар ошди. Шу сабабли, қурилиш соҳасида, машинасозликда ва мебель саноатида фойдаланиш учун юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган ёғоч-пластик материалларни яратиш ва ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда юқори физик-механик ва эксплуатацион хусусиятларга эга бўлган ва замонавий талабларга жавоб берадиган композицион ёғоч-пластик материаллар ва плиталарни олишнинг янги инновацион ғояларини яратиш ва амалга ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, композицион ёғоч-пластик ва плита материалларини ғўзапоя тўлдиргичлари ва полимер боғловчилари асосида олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ғўза-поя пўстлоғи ва полимер боғловчилар асосида юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган композицион ёғоч-пластик плитали материалларнинг самарали таркибини яратиш ва уларни олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида қурилиш саноатини, мебель саноатини ва машинасозликни ёғоч-пластик материаллар (ЁПМ) билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишининг тўртинчи бандида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, бир йиллик ўсимлик пояси ва маҳаллий полимер бириктирувчилар асосида композицион ёғоч-пластик плита материалларининг самарали таркибини яратиш, ғўзапоядан олинган тўлдирувчи қиринди массасининг ўзига хос фракциялаш усуллари, гидрофоб ёғоч-пластикли плитали материаллар олиш усуллари, чиқиндисиз технологик жараёнларни ишлаб чиқиш усуллари, замонавий талабларга жавоб берадиган композицион ёғоч-пластик материалларини қурилишда, мебель саноатида ва машинасозликда кенг қўлланилиши долзарб ва зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

йил 6 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 сентябрдаги ПҚ-319-сон «Пахта ғўзапояси ёғоч қириндисидан замонавий плиталар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Бир йиллик ўсимликлар пояларидан композицион ёғоч пластик плитали материаллар яратиш бўйича дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув муассасаларида, жумладан, Istanbul Technical University (Туркия), Technische Universitat Munchen (Германия), Slovak University of Technology (Словакия), Chonnam National University (Корея), Ebonyi State University (Нигерия), Indian School of Mines (Хиндистон), Yunnan University, Southwest Petroleum University (Хитой), Латвия ФА Ёғоч кимёси Институти, Москва ўрмон хўжалиги институти, Полимер материаллари илмий-тадқиқот институти, Қозон давлат технология университети (Россия), ЎЗР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё технология институти, И.Каримов номли Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда ишлаб чиқариш иккиламчи хомашёларида ёғоч-пластик плиталар ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида бир қатор илмий натижаларга эришилди, жумладан, целлюлоза сақловчи иккиламчи хомашёлардан ёғоч-қириндили плиталар ишлаб чиқиш технологияси яратилган (Латвия ФА Ёғоч кимёси Институти, Москва ўрмон хўжалиги институти, Россия); бир йиллик ўсимликларнинг поясидан фойдаланиш бўйича (Chonnam National University, Жанубий Корея); целлюлоза сақловчи бир йиллик ўсимликларнинг поясидан ишлаб чиқаришга ва тиббиётга зарур бўлган органик моддаларни ажратиш олиш усуллари аниқланган (Indian School of Mines, Хиндистон); бир йиллик ўсимликларнинг иккиламчи маҳсулотидан ёғоч-қириндили плиталар ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштирилган (Ebonyi State University, Нигерия).

Дунёда бир йиллик ўсимликларнинг поялари ва полимер боғловчилар асосида композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича жумладан, қуйидаги

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.researchgate.net/publication/24238348>, <https://www.academia.edu/7655786>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2635672>, <https://www.academia.edu/4411418>, <https://doi.org/10.1002/app.27592> ва бошқа ресурслар.

устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: бир йиллик ўсимликлардан олинган ёғоч тўлдирувчининг тузилиши, тури ва фракцион таркиби миқдорининг композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш, физик-кимёвий модификациялаш орқали модификацияланган полимер боғловчининг тузилишини ўзгартириш билан композицион ёғоч-пластик плиталарнинг эксплуатацион хоссаларига таъсирини асослаш, қурилишда, мебель саноатида ва машинасозликда кенг қўлланиладиган, замонавий талабларга жавоб берадиган, гидрофоб композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Композицион полимер ёғоч–пластикли материалларни яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича А. Hayashi, S. Hulemand, R. Morgen, A. D'Amore, D. Jully, G. Akovali, Н.С. Ениколопов, С.Н. Журков, Х.У. Усманов, В.В. Коршак, М.А. Аскарлов, С.Ш. Рашидова, С.А. Вольфсон, А.А. Берлин, М.С. Акутин, Ю.С. Липатов, Э.Ф. Олейник, Ф. Мэттьюз, Г.С. Головкин, Ж.Х. Халиков, С.С.Негматов, А.Х. Юсупбеков, шунингдек, янги плита материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишда Н.Н. Дерре, К. Ernst, Н. Sane, Н.А. Miller, А.А. Moslemi, В.А. Белого, А.И. Свиреденок, М.И. Петроковец, Е.И. Карасеев, Л.С. Суровцева, А.А. Клесов, Г.С. Варанкина, С.А. Угрюмов, В.Н. Волынский, С.П. Гришин, Г.А. Голубицкая, В.М. Курдюмова, Г.М. Шверцман, Ф.А. Магруппов, М.М. Саидов, Б.Х. Туляганов, В.В. Глухих, В.Г. Савкина, А.В. Струк, В.П. Соломко, Р.Г. Махкамов, А. Саримсаков, Г. Рахмонбердиев, А.А. Рыскулов, Ф.А. Магруппов, Р.С.Сайфутдинов, З.Мухитдинов, А.С. Ибодуллаев каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мавжуд адабиётлар маълумотлари таҳлилига ва патент тадқиқотларига асосланиб шуни таъкидлаш керакки, ёғоч-пластик плитали материалларни олиш ва яратишда ғўза-поядан тўлдирувчи сифатида (ёғоч қисм, толали қисм ва майда қисм) фойдаланилганда унинг структураси ва хусусиятлари ўрганилмаган, уларнинг фракциялари ҳисобга олинмаган ва технологик омиллари ҳамда полимер боғловчининг физик-кимёвий модификациясига қараб композицион ёғоч-пластик материалларнинг физик-механик хоссаларининг шаклланиш қонуниятларига таъсири батафсил ёритилмаган. Ғўза-поя ёғоч-толали массасининг материалларнинг шаклланишида физик-кимёвий, физик-механик ва технологик хоссаларига таъсирига боғлиқ муаммолар мавжуд. Шу сабабли ғўза-поядан тўлдирувчи сифатида фойдаланишда модификацияланган полимер материалларидан фойдаланиб самарали композицион ёғоч пластик плитали материалларни олишнинг илмий-услубий, технологик тамойилларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳали тугалланмаган. Ушбу тадқиқот иши айнан шу мауммони ечишга бағишланган.

Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси илмий

тадқиқот ишлари режасининг №Ф-4-2.8.1 «Композицион полимер материалларнинг толали масса (пахта хомашё) билан ўзаро таъсирлашиши қонунияти ва табиатини ўрганиш», №А-6-2013 «Маҳаллий хомашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан барқарор композицион қопламалар олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш», №И-2016-7-5 «Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан олинган ёғоч тўлдирувчилардан фойдаланиб импорт ўрнини босувчи, бакелизр фанерларни (Россия) ўрнини босувчи, сувга ва ўтга чидамли ёғоч пластик плиталарни олиниш технологиясини ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир йиллик ўсимликларнинг поялари ва полимер боғловчилар асосида композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта ғўзапоясининг тузилиши, кимёвий таркиби ва хоссаларини, пахта ғўзапоясидан олинган қиринди массаси – тўлдирувчиларнинг фракцияли таркиби ва фракциялашнинг афзаллигини асослаш;

ёғоч-пластикли плитали материалларнинг физик-механик хоссаларининг шаклланиш қонуниятларини, пахта ғўзапоясидан олинган тўлдирувчиларнинг тури, фракцияланган таркибига боғлиқлигини ўрганиш;

мочевинаформальдегид смоласининг физик-механик ва физик-кимёвий хоссасини яхшилаш мақсадида физик-кимёвий модификациялаш, шунингдек, ёғоч-пластикли плитали материалларни пресслашда қотиш жараёнини ўрганиш;

олинган ёғоч-пластикли плитали материалларнинг физик-механик хоссаларининг шаклланишида модификацияланган полимер боғловчининг таъсирини ўрганиш;

модификацияланган полимер боғловчи ва пахта ғўзапоясидан олинган тўлдирувчилар асосидаги ёғоч-пластикли плитали материалларнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш;

пахта ғўзапоясидан олинган тўлдирувчилар ва модификацияланган полимер боғловчилар асосида олинган ёғоч-пластикли плитали материалларининг физик-механик хоссаларининг шаклланишида босим, ҳарорат ва пресслаш вақтининг таъсирини ўрганиш ва пресслашнинг оптимал технологик режимларини аниқлаш;

пресскомпозиция тақибдаги намликнинг плитанинг хоссаларига таъсирини, шунингдек 100% майдаланган ғўза-поя ва модификацияланган полимер боғловчи асосида олинган ёғоч-пластикли плитали материалларнинг физик-механик хоссасига таъсирини ўрганиш;

яратилган композицион ёғоч-пластикли плитали материалларининг тажриба-синов партиясини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш ва уларни ишлаб чиқариш шароитида тажрибадан ўтказиш;

композицион ёғоч-пластикли плитали материалларни олиш учун ташкилот стандартини (Ts) ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта ғўзапояси, КФ-МТ маркали мочевиноформальдегид смоласи ва композицион ёғоч-пластикли плитали материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ғўза-поянинг тузилиши, хоссаси ва фракцион таркибини, мочевиноформальдегид смоласининг ишлаб чиқилган композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг физик-механик хоссаларининг шаклланишида таъсирини, уларнинг самарали таркибини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга бир йиллик ўсимликлар ва ғўза-пояларни жалб қилиш ва сифатли маҳсулот олиш ҳисобига республикамизнинг минерал-хомашё ресурсларини тўлдириш истиқболини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда ИҚ-спектроскопия, рентгенфазавий, дифференциал термик таҳлил, оптик микроскоп ва бошқа усуллардан фойдаланилган ва физик-механик хоссалари умумий қабул қилинган стандарт усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

қурилиш, машинасозлик ва мебель саноатида ишлатиладиган импорт ўрнини босувчи композицион ёғоч-пластикли плитали материалларни олишда модификацияланган полимер боғловчилардан ва тўлдирувчи сифатида пахта ғўзапоясидан фойдаланишнинг чиқиндисиз технологиясини яратиш мумкинлиги асосланган;

ғўза-поядан олинган ёғоч тўлдирувчининг тузилиши, тури ва фракцион таркибининг миқдори ва модификацияланган полимер боғловчининг композицион массаси бир хил таркибли бўлмаган композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг асосий физик-механик хоссаларига таъсири аниқланган;

ғўза-поянинг майдаланган массасини пневмоэлакдан ўтказиш йўли билан таркибида толали заррачалар бўлган композицион ёғоч-пластикли материаллар олиш мумкинлиги ва тўлдирувчи заррачаларининг оптимал ўлчамлари аниқланган;

ғўза-поядан ёғоч тўлдирувчи олиш технологияси ва унинг асосида композицион ёғоч-пластикли материаллар ҳамда ашёлар олишнинг асоси ҳисобланган майдаланган массага бўлган талаблар ишлаб чиқилган;

КФ-МТ маркали мочевиноформальдегид смоласининг қотиши орқали модификаторларнинг оптимал таркиблари ва модификациялаш шароитлари аниқланган;

физик-кимёвий модификациялаш орқали модификацияланган полимер боғловчининг тузилишини ўзгартириш билан композицион ёғоч-пластик плиталарнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш мумкинлиги назарий асосланган;

юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган ёғоч-пластик плиталарни пресслашнинг оптимал технологик режимлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқарилган композицион ёғоч-пластикли материалларни физик-механик хоссаларини бевосита ёғочдан олинадиган ёғоч-қиринди плиталарга нисбатан афзаллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори физик-механик хоссали ёғоч-пластикли композицион плитали материаллар олишда тўлдирувчи ва модификацияланган полимер боғловчиларнинг самарали таркиби ва чиқиндисиз технологияси ишлаб чиқилган;

майдаланган ғўза-пояннинг таркибини танлашдаги асосланган ёндошувлар натижаларига кўра, юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган ёғоч-пластикли плитали материаллар олишнинг самарали таркибини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

КФ-МТ маркали мочевинофармальдегид смоласи, ғўза-поя ва ёғоч толаси асосидаги массани преслашнинг оптимал технологик режимлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган физик-кимёвий (ИҚ-спектроскопия, рентгенфаза, оптик микроскопия, кимёвий таҳлил ва дифференциал-термик таҳлил) ҳамда физик-механик ва триботехник усуллар билан асосланган. Тадқиқот натижалари математик ва статистик усулда қайта ишланганлиги ва ишлаб чиқаришда қўлланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўлдирувчи структурасининг ўзига хослиги, концентрацияси, дисперслиги, мочевиноформальдегид смоласининг анизотропик даражасининг ва технологик факторларнинг композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг физик-механик хоссаларига таъсири билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ва саноат чиқиндиларидан фойдаланилганлиги ҳамда олинган композицион ёғоч-пластикли плиталарнинг қурилишда, мебель саноатида ва машинасозликда кенг қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бир йиллик ўсимликларнинг поялари ва полимер боғловчилар асосида композицион ёғоч-пластикли плитали материалларнинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

композицион ёғоч-пластик плитали материалларнинг оптимал таркиби ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш базаси ҳисобланган «PROSPER ALL» МЧЖда амалиётга жорий этилган («O'ZSANOATQURILISHMATERIALLARI» корхоналари уюшмасининг 2021 йил 3 майдаги 05/15-1137-сон маълумотномаси). Натижада, ёғоч-пластикли плиталарни 15000 м² тажриба-саноат партиясини олиш ва қурилишда ишлатиш имконини берган;

ишлаб чиқилган ёғоч-пластикли плиталарни олиш технологияси «Файз» МЧЖ қўшма корхонасининг модернизация қилинган технологик тизимида амалиётга жорий этилган («O'ZSANOATQURILISHMATERIALLARI» корхоналари уюшмасининг 2021 йил 3 майдаги 05/15-1137-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу технология бўйича юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган ёғоч-пластикли плиталар олиш имконини берган;

композицион ёғоч-пластикли плиталарнинг тажриба саноат партияси «AZIMUT-MIG» МЧЖ қурилиш корхонасида иншоат ва иморатлар қурилишида амалиётга жорий этилган

(«O‘ZSANOATQURILISHMATERIALLARI» корхоналари уюшмасининг 2021 йил 3 майдаги 05/15-1137-сон маълумотномаси). Натижада, ёғочни 2-3 бараварга тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ва 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 174 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб қилинганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, текшириш объектлари Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг асосий йуналишлари, олинган натижаларнинг салмоқчилиги, ишланмаларни амалда ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, илмий натижаларнинг апробацияси ва диссертация мавзуси бўйича чоп қилинган ишлар рўйхати ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёғоч-қириндили ва ёғоч пластикли материалларни олиш технологиясининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ёғоч-қиринди ва ёғоч-пластик плита материаллар ва уларни олиш технологияси бўйича адабий маълумотлар таҳлили келтирилган.

Илмий адабиётлар ва патент-лицензияланган манбааларни комплекс таҳлил қилиш асосида мебель саноатида, машинасозликда ва қурилишда қўлланиладиган технологик жараёнларни назарда тутган ҳолда ёғоч-пластик плита материалларига бўладиган талаблар шакллантирилган.

Келтирилган кўпчилик ишларда ёғоч-қиринди ва ёғоч-пластик плита материалларини ишлаб чиқаришда бир йиллик ўсимликлар ва полимер боғлагичлардан олинган тўлдирувчиларнинг табиати, турли киритилаётган модданинг миқдори ва нисбатлари ёғоч-пластик плиталарнинг ёниш, антисептик, электроизоляция хоссалари ҳамда композицион масса (гилам)нинг зичлиги ва намликнинг уларни физик-механик хоссаларига таъсири етарлича инобатга олинмаган.

Келтирилганлардан маълум бўлдики, юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган, бир йиллик ўсимликлар пояси ва модификацияланган полимер боғловчилар асосида композицион ёғоч пластик материаллар олиш бир қанча муаммолар билан боғлиқ бўлиб, улар ёғоч пластик материаллар асосида плита олишнинг технологик ва физик-механик хоссаларини ўрганиш, илмий

асосланган ёндашиш ҳамда илмий-методик принципларнинг ечимини топиш учун комплекс изланишлар олиб бориш мазкур диссертация ишининг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ёғоч-пластик плита материалларини олиш учун дастлабки хомашёлар тавсифи ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тажриба тадқиқотларини ўтказиш учун объектлар танлаш баён қилинган ва асосланган. Ғўзапоядан пайраха ва қиринди олиш ускунасида ишлаш усули ёзилган. Ёғоч-пластик плита матеиаллари олиш ва уларнинг физик-кимёвий, физик-механик хоссаларини аниқлаш методикаси аниқланган. Ёғоч пластик плиталарнинг физик-механик кўрсаткичларини статистик ишлаш (обработка) методикаси кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «Ғўзапоянинг тузилиши, кимёвий таркиби хоссалари, фракцион таркибини ўрганиш ва ғўзапоядан ва полимер боғловчидан олинган қиринди массасининг фракциялашнинг муҳимлиги» деб номланган учинчи бобида ғўзапоя ва унинг фракциясининг кимёвий таркиби, ҳамда ғўзапоядан олинган тўлдирувчи қиринди массасининг ўзига хос фракцияланиш хусусиятлари бўйича ўтказилган экспериментал ишларининг натижалари келтирилган. Экспериментал тажрибалар натижасида аниқландики ғўзапоянинг қуруқ ҳолдаги ҳажми, оғирлиги 0,38-0,42см² га, эгилувчанлик мустаҳкамлигининг чегараси 0,60-0,68 МПа тенг. Келтирилган кўрсаткичлар учун тегишлича 0,39-0,47 г/см² ва 0,580-0,766 МПа га баробар.

1-жадвал


Ёғоч ва ғўзапоянинг кимёвий таркиби

Компонентлар,%	Ёғоч	Ғўзапоя
Целлюлоза	43.3	40-гача
Лигнин	27.5	20-гача
Пентоза	10.4	18-гача
Бошқа бирикмалар	18.8	22-гача

Ғўзапоянинг намлиги ўртача 10%, турли даражада майдаланган фракцияларни тўкиб ўлчангандаги оғирлиги 0,224 дан то 1,69 кг/л, прессланиши 90%, қайишқоқлиги 1,6% тенг бўлиши аниқланди.


Текширишлар ўзининг кимёвий таркиби тузилишига кўра ғўзапоя ёғочдан фарқ қилади буни 1- жадвалдан кўриш мумкин.

Ёғоч-пластик плита материалларини олиш технологиясига композициядаги полимер боғловчининг миқдори ҳам катта роль ўйнайди. Шунинг учун биз полимер боғловчи сифатида мочевиноформальдегид смоласидан фойдаландик. Қуйида целлюлоза билан мочевиноформальдегид смоласи орасидаги боғланиш кўрсатилган:




Ғўзапоя таркибидаги целлюлозанинг бирикиш механизми олигомерлар орасида водород ва ковалент боғларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига боради.

Одатда ғўзапоя таркибидаги лигнин фенолоспиртлардан ташкил топган. Уларнинг мочевиноформальдегид билан ўзаро бирикиши оддий эфир боғларининг узилиши ҳисобига боради. β -O-4 боғнинг бошқа қисмида эса фенол бирликлари ион механизми орқали узилади ва тўлиқ узилмайди, фаол α -кўриниш пропан боғларида конденсациядан ҳимояланмаган бўлиб, куйидаги йўналишда боради:



Фенолланмаган таркибдаги β -O-4 боғлар ён боғлардаги α -спиртли гидроксил боғлар бўлгандагина парчаланadi.

Майдаланган ғўзапоянинг куйидаги ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу унинг толали қисмининг ва ўзагининг борлиги ҳамда заррачаларнинг шакли ва ҳажми ҳар хил бўлишида намоён бўлади (1-расм).



1-расм. Майдаланган ғўзапоя массасининг фракцион таркиби

Илова: 1-расмнинг бурчагидаги рақамлар куйидагиларни билдиради: 1-чи рақамда мазкур фракция ўтган уяли турнинг миллиметрлардаги катталигини 2-чи рақам-мазкур фракция ажралиб чиққан уяли турнинг миллиметрлардаги катталиги. 3-чи рақам мазкур қиринди олинган параҳалигининг миллиметрлардаги узунлиги.

Расмдан кўриниб турибдики ғўзапоя майдалангандаги масса игнасимон шаклдаги ёғоч заррачалар, пўстлоқдан ҳосил бўлувчи толасимон қўшилмалар ва ғўзапоя ўзаги ва янчилган ёғоч қисмидан ташкил топган бўлади.

Бу компонентларнинг ҳар бири ўзининг зичлиги, хоссалари, физик характеристикаси, кимёвий таркиби ва заррачаларнинг шакли ва қатламга эга. Текширишлар натижасидан ҳар хил майдаланган фракцияларнинг солиштирма оғирлиги 0,224 дан 1,96 кг/л гача, зичланганлиги 90%, эгилувчанлиги 1,6% ни ташкил этиши аниқланди. Бу ҳолатлар ғўзапоядан олинган тўлдирувчиларнинг ўзига хослиги бўлиб, у плита материаллари


ишлаб чиқаришда барча технологик режимларни коррективка қилиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Тажрибалар натижасида майдаланган фракцияларнинг оғирлиги 0,224 дан 1,96 кг/л, пресланганлиги 90%, эластиклиги 16% эканлиги аниқланди.

Ўзапоядан олинган қиринди массасини пневмоэлаклашни ўрганиш шуни кўрсатдики, заррачаларнинг маълум дисперслиги пояннинг таркибий қисмига, ёғоч қиринди, эркин толалар ва чанг заррачалар пукаланиш зонасида маълум тартиб билан жойлашади, масса берилган жойдан энг узокда жуда майда заррачалар, сўнгра толалар жойлашган зона ва марказга ёғоч заррачалари жойлашади. Мавжуд гилам шакллантирувчи ускуналарнинг ишлаш принципи сочилувчи массанинг ҳаво оқимида икки йулашида – бири модданинг юриш йўналиши бўйича, иккинчиси унга қарама-қарши йўналишда ишлаш принципи асосланган. Бунда хар хил катталиқдаги заррачалардан кўп қаватли гилам ҳосил бўлади. Бизда гилам ҳосил бўлишда унинг марказий қисмида йирик ёғоч заррачалари бўлиб, сўнгра навбатма-навбат кичик ўлчамли ёғоч заррачалари қавати заррачалари жойлашади, чанг ва толалар эса гиламнинг юза қисмида бўлди. Ўта майда заррачалардан ташкил топган қават плитада силлиқ юза ҳосил бўлишини таъминлайди.

Ташқи қаватни ташкил қилувчи тола ўзининг узилишига чидамай юқори бўлганлиги учун плитанинг эгилувчанлик мустаҳкамлигини оширади. Бундай плиталарнинг эгилувчанлиги бир қаватли плиталардан 20-25% юқори бўлади.

Диссертациянинг «**Ўзапоя олинган тўлдирувчиларнинг тури ва фракцион таркиби ҳамда мочевиноформальдегид смоладан олинадиган композицион ёғоч-пластик плита материалларининг физик-механик хоссаларининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида ўзапоядан олинган тўлдирувчилар ва полимер боғловчиларни тури ва фракцион таркибига ёғоч-пластик композицион плита материалларнинг физик-механик хоссалари шаклланиш қонуниятларининг натижалари ёритилган.

Юқори физик-механик хоссаларга эга композицион ёғоч-пластик материаллар олишнинг ўзапоянинг турли қисмларидан олинган қиринди массасини завод технологиясига мослаштириши учун заррача оптимал геометрик параметрларини, смоланмаганидан олдин ва кейинги намлигини аниқлаш зарурияти туғилди. Кичик фракцияларни (1,5x1,5мм тешикли элакдан ўтадиган) ўрганиш вақтида плита хоссаларининг критерияси бўлиб уларнинг эгрилиши, узилишга чидамлиги, бўкиши ва сув ютиш хоссалари ҳисобланди (2-расм).



- 1- Эгрилишдагы мустахкамлик;
- 2 -Узилишдагы мустахкамлик;
- 3 - Букиш;
- 4 - Сув ютувчанлиги.

2-расм. Маюй фракцияларнинг композицион плиталарни физик-механик хоссаларига таъсири

2-расмдан кўриниб турибдики, дастлаб 5-15 %гача кичик фракциялар оширилганда эгрилишга бўлган мустахкамлиги 17,0 МПа дан то 24,0 МПа гача ошади. Бунда маюй заррачалар катта заррачалар оралиғидаги бўшлиқни тўлдирувчи ўрта бўгин вазифасини бажарди. Уларнинг ўзаро елимланиш майдонини оширди. Маюй фракциялар миқдорини 15% дан ортиқ бўлиши эгилиш мустахкамли секин камайиб боришига олиб келади, буни плита материалнинг мустахкамлик хоссаларининг камайишига, қиринди юза майдонининг кўпайиб полимер боғловчи етишмаслигига сабаб бўлади.


Плита юзаси перпендикуляр узилишининг эгри чизиғи ҳам экстремал характерли бўлади. Аввал то 15% маюй фракциялар таъсирида мустахкамликнинг эгри чизиғи олиб борадиган ва у 0,64 МПа да (15%-да) то 0,72 МПа (15%-да) кўтарилади, чизиқ максимумга етганда мустахкамликнинг эгрилиш чизиғи камаяди.

Бу маюй фракцияларни қириндининг елимланиш жараёнига таъсири билан тушинтирилади. Кам миқдорда қириндининг елимланишини оширади. Унинг миқдори ортиқча бўлганда қириндилар оралиғи елимланганлиги сабабли маюй фракциялар тўпланадиган жойларда намунанинг узилиши кузатилади. Маюй фракциялар миқдорининг намуналарни букиш ва сув ютиш хоссалари билан боғлиқлиги бошқача характерли бўлади. Ғоваклар ҳажмининг камайиши билан кўрсаткичлар камаяди ва маюй фракциялар миқдорини 35%гача оширилиши букиш кўрсаткичинини то 18% гача камайтиради. Ғўзапоядан плиталар олиш учун 15% дан 25% гача маюй фракцияларнинг кенг диапозонига фойдаланиш мумкин (плита ўзининг хоссалари билан ГОСТ талабларига мос келади). Поянинг толали қисми таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, поя пишининг 30-35% ни луб толалари ташкил қилар экан.

Ғўза поясини майдалаш жараёнида поя пўстлоғининг бир қисми поядан ажралиши бизга маълум. Бу толали масса механик юмшаткичлар таъсирида моноксимон тез ўралувчи массага айланади. Бизнинг ишимизда ғўзапояни пўстлоғи билан бирга фойдаланиш мумкинлиги ўрганилди ва исбот қилинди. Эркин толаларнинг қиринди массасидаги оптимал миқдорини топиш учун қиринди массасини шунга мослаштириб

таёрланди. Чунки толаларни ажратиш технологик жиҳатдан маъқул эмас, сабаби уларнинг ёғоч-пластик плита материаллари таёрлаш ҳамда хомашёни тежашга ижобий томонлари бор. Қиринди массасининг фақат ёғочдан ташкил топган қисми майдалангандан кейин қириндидан ажратиб олинган. Қириндига 10%, 20%, 30%, 40%, 50%, 60%, 80%, 90% эркин толалар қўшилди, ундаги чанг (кичик заррачалар) 10% ташкил килди. Толаларнинг миқдори 40% гача оширилганда плиталарнинг эгилувчанлик мустаҳкамлиги зичлик 700кг/м^3 бўлганда 19 МПа гача ўсади (3-чи расм). Сўнгра у пасайиб 90% ли бўлганда 17 МПа гача камаяди. Бунинг сабаби боғловчи етишмаслиги ҳамда лубяная коранинг юқори солиштира зичликка эга эканлиги билан тушунтирилади. Худди шу ходисани намуналари уларнинг чўзилувчанлиги, сув тортиш ва бўкиш хоссаларига нисбатан кузатиш мумкин.

Демак, толаларни қириндидан ажратиб олиш мақсадга мувофиқ эмас. Ёўзапоядан олинган қириндилар таркибида толалар миқдори 40% дан ошмаганда плиталарнинг механик мустаҳкамлиги ҳамда унинг армирланган хоссаларига ижобий таъсир кўрсатади. Плиталарнинг физик-механик хоссаларининг заррача ҳажмига (узунлиги, ёғоч қириндининг қалинлиги) боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, дастлаб бу омилни қиринди юзасини смола билан қопланиш даражаси натижасида деб қараш мумкин.




- 1-Эгилувчанликнинг мустаҳкамлик чегараси σ_n ;
- 2-Чўзилувчанлик мустаҳкамлиги, σ_r ;
- 3- Сув тортиш, W;
- 4- Бўкиш, ΔS

3-расм. Тола миқдорининг композицион плиталар физик-механик хоссаларига таъсири

Чунки, заррача ҳажмининг майдаланиши тўлдирувчининг солиштира юзасининг ошишига ва плита хоссасининг ёмонлашишига олиб келади, бу маълум даражада боғловчи танқислиги билан боғлиқ. Шу билан бир вақтда тўлдирувчи заррачалари ҳажмининг оширишни маълум бир чегараси бўлиб, бу чегарадан ошгач боғловчи миқдори етарли бўлса ҳам плитанинг физик-механик хоссаларини пасайишига олиб келади. Бу заррачалар ўртасидаги контактнинг ёмонлашуви, йирик заррачаларни деформацияланишининг пасайиши ва қиринди пакетининг ёмон тахланиши туфайли юз беради.

4-расмда плита эгилувчанлигининг мустаҳкамлик даражаси қиринди массасининг қалинлигига ва унинг плита перпендикуляр юзаси чўзилишининг узинлигига боғлиқлиги кўрсатилган.



4-рasm. Эгилишдаги мустахкамлик чегарасининг- σ_n (1), чўзилишдаги мустахкамлик σ_p (2)нинг қириндининг узунлиги (L) ва қалинлигига(δ) боғлиқлиги


Расмдан кўришиб турибдики, эгилювчанлик ва чўзилувчанликнинг мустахкамлиги қиринди узунлиги 30 мм бўлгунча ошиб боради, сўнгра пасаяди бунинг сабаби бўш контакт зоналарининг ортиши ва тартиблиликнинг ёмонлашишидир. Қиринди қалинлигининг плита хоссаларига таъсири бир-бирига зид бўлиб икки тенденцияли бўлади. Биринчидан, қиринди қалинлигининг камайиши заррачанинг горизонтал йуналиш бўйича боғланишини кучайтиради. Бўш зоналар миқдори камаяди. Натижада плиталарнинг эгилювчанлик мустахкамлиги ошади. Шу билан бир вақтда заррачалар қалинлигининг камайиши қиринди солиштирма юзасининг ортишига ва заррачаларнинг механик мустахкамлигининг пасайишига олиб келади. Бу эса заррачаларнинг смолаланмаганлиги туфайли улар ўртасидаги ички боғланишнинг заифланишига сабаб бўлиб, плита перпендикуляр юзасининг узилиш мустахкамлигини сезиларли пасайишига олиб келади. Қириндиларнинг қалинлигининг сув ютилишига (W) ва бўкишга (ΔS) таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, қалинлик камайиши билан юқоридаги кўрсаткичлар яхшиланади, масалан, қириндилар қалинлиги 0,1-0,6 мм W ва ΔS 18 ва 19,5%ни ташкил этади. Қалинлик 0,7-0,8 мм дан ошганда бу кўрсаткичлар кескин ёмонлашади, бу эса плита материалининг ғоваксимон бўлиши билан изоҳланади. Эксперимент натижалари қириндининг оптимал қалинлиги 0,3-0,8 бўлишини кўрсатади. Ғўза поясидан (унинг ёғоч қисмидан) олинган қириндилар игнасимон шаклда бўлганлиги учун уларнинг кенлиги ва қалинлиги бир хил бўлади, шу боис текшириш жараёнида бу кўрсаткич ўрганилмади.

Шундай қилиб, изланишлар натижасида заррачаларнинг геометрик ўлчамларга нисбатан қириндининг оптимал параметрлари (узунлиги 25-30 мм, қалинлиги 0,2-0,6 мм) аниқланди.

Диссертациянинг «Композицион ёғоч-пластик плита материалларининг самарали таркибини ва оптимал пресшлаш технологик режимини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида ёғоч-пластик плитанинг физик-механик хоссалари ўрганилганлик натижалари келтирилган. Уларнинг оптимал таркиблари аниқланган ва

модификацияланган полимер боғловчининг физик-механик хоссалари ўрганилган. Композицияда дастлабки ва модификацияланган боғловчининг тури ёғоч-пластик материалининг хоссаларини аниқловчи ва уни олиш технологиясини белгиловчи факторлардан биридир. Ёғоч-қиринди плита ишлаб чиқаришда қириндининг бир юза бирлигига боғловчининг меъёрий миқдори 4-7 граммни (куруқ масса бўйича) ташкил этади. Ушбу миқдорни юза бўйлаб бир текисда тақсимланганда 5-12 мкм (суyoқ холатда) смола қатламини олиш мумкин. Амалда силлик юзали қиринди бўлмайди. Барча юзани қоплаш учун (айниқса ғадир-будур юзани) боғловчи миқдорини кескин ошириш талаб этилади.

5-расмда плита материалларнинг физик-механик хоссаларининг боғловчи миқдorigа боғлиқлиги келтирилган. Боғловчининг миқдори 4-20 % бўлганда намуналарнинг эгилишдаги ва юзага перпендикуляр холатда чўзилишдаги мустаҳкамлиги 17,5-25,3 МПага ортади, букилишдаги мустаҳкамлик эса 0,42-1,0 МПани ташкил қилади. Бунда смола ҳосил бўлиши ҳисобига мустаҳкамликнинг кескин кўтарилиши 12-14% дан сўнг камаяди. Кейинчалик боғловчи миқдорининг ортиши букилиш ва чўзилишдаги мустаҳкамликка таъсир этмайди.



1, 2-букилиш (σ_n) ва чўзилиш (σ_p) даги мустаҳкамлик чегараси;
3-сув ютувчанлиги, W;
4-бўкиш, ΔS

5-расм. Плита материалларнинг физик-механик хоссасига боғловчи миқдорининг таъсири

Шунинг учун қириндида смоланинг миқдорини 10-14% деб белгиланди. Бу плиталарга қўйилган ГОСТ 10632-77 талабларига жавоб беради. Кўп қатламли плиталарнинг ташқи қатламга боғловчининг миқдорини 14% деб тавсия этилди.


2-жадвалда турли хоссага эга полимер боғловчилар ёрдамида гўзапоядан олинган ёғоч-пластик композицион плиталар ва ёғоч қириндилари плиталарнинг (ЁҚП) физик-механик хоссалари келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, гўзапоядан олинган плиталар ўзининг физик-механик хоссаларини сақлаб қолган ҳолда ёғоч плиталарга қараганда кенг диапазонли зичликка эга бўлиши мумкин. Шунинг учун, олинадиган (яратиладиган) ёғоч-пластик плита материалларининг физик-механик ва бошқа хоссаларига турли хил технологик омиллар (композициянинг намлиги, эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, сув сўрилиши, пресслаш босими) нинг таъсири қуйида кўриб чиқилди.

Турли хоссали полимер боғловчилар ёрдамида гўзапоядан олинган ёғоч-пластик композицион плита ва ёғоч қириндили плита (ЁҚП)ларнинг физик-механик хоссалари

Материалнинг хоссалари	ГОСТ 1063277 720-800 кг/м ³ буйича ДҚП хоссаси	Зичликка асосан КП хоссаси кг/м ³		
		650	750	850
Букилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, қалинлиги 16мм дан кам бўлмаган	15-18	17-20	23-27	27-30
Юзага перпендикуляр ҳолатда чўзилишдаги мустаҳкамлиги, МПа,	0,3-0,35	0,45-0,6	0,85-0,9	0,9-1,1
Букиш, %, одатдаги сувга чидамлигидан кўп бўлмаган	20-30	27-30	18-25	15-18
Каттиклик, МПа (тахминан)	19,6-39,2	30-35	35-42	38-48
Статик букишдаги эластиклик модули, МПа	1770-4410	1500-2000	2200-3000	3000-4500
Михни ушлаш солиштирма қаршилиги, МПа	2,45-2,65	2,3-2,5	2,5-3,0	2,6-3,1
Шурупларни ушлаш солиштирма қаршилиги, н/м	58800-117700	60000-90000	90000-110000	100000-120000

Композиция намлигининг таъсирини ўрганиш. Гўза-поя заррачаларининг мочевиноформалдегид смоласи ёрдамида елимланиш жараёнига ва плиталарнинг физик-механик хоссаларига композициянинг намлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Композицион плиталар ишлаб чиқариш жараёни қириндининг смоланишига ва смолалангандан кейинги намлигини аниқлаш билан ҳам ўзвий боғланган. Қиринди смолаланишигача бўлган намлиги смолаланиш сифатига таъсир этади. Ўта қуруқ қиринди намликни ғовакларга тортиб олиб заррача юзасида полимер қаватини қолдирмайди.



6-расм. Композиция намлигининг плита материали эгилувчанлигининг мустаҳкамлик чегараси (1) ва сув ютишига (2) таъсири

6-чи расмдан кўриниб турибдики композиция намлиги 4%дан 15%гача оширилганда эгилувчанликнинг мустаҳкамлик чегараси максимум орқали экстремал, сув ютиш эса минимал орқали экстремум характерли бўлади.

Тадқиқот натижаларига кўра, прессланишнинг доимий режимда композициянинг намлиги 4 дан 10% гача бўлганда плитанинг ҳажмий оғирлиги 550 дан 730 кг/м³ошиши аниқланди, бунда бошқа технологик кўрсаткичлар ўзгармайди. Букилишдаги мустаҳкамлик чегараси 20 дан 25 МПа гача ошиши, сув ютилиши эса 38-40% гача камаяди. Намликнинг 12% дан ошиши плитанинг ёрилиб кетишига олиб келади.


Жамланманинг намлиги пресслаш режимига бевосита таъсир кўрсатади. Намлиги кам бўлган заррачалар етарли даражада эгилувчан эмаслиги сабабли пресслашда контакт юзаларнинг бир-бирига максимал даражада яқинлашишини таъминламайди, бу эса пресслаш вақти ва босимини оширишни талаб этади.

Намлик миқдори юқори бўлганда унинг буғланиши тўлдирувчи ва смола заррачаларининг ўзаро кимёвий таъсирлашишига халақит беради ва плита қатламларга ажралади, бу эса яна пресслаш режимини ўзгартиришни талаб этади. Пресслаш жараёнини технологик ва иқтисодий нуқтаи назардан оптималлиги жамланманинг намлиги 8-10% бўлганда деб топилди.

Пресслаш босимининг плита хоссаларига таъсири. Пресслаш босими плита материалнинг шаклланиш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, чунки бизга маълумки, ёпишиш - боғловчилар билан ёпишадиган юзаларда контакт ҳосил бўлиши ва ушбу контактлар боғловчиларни қотишигача сақланиш шароитидагина бўлиши мумкин. Ташқи босим таъсирида заррачаларнинг бир-бирига яқинлашиши юз беради, бинобарин контакт (юзаларнинг бир-бирига таъсир этиш) майдонлари ошади ва ёпишиш мустаҳкамлигининг ошишига олиб келади.

7-расмдан кўриниб турибдики, пресслаш босимининг 3,5 МПа га ошиши билан композицион ёғоч-пластик плита материалларининг зичлик ва мустаҳкамлик хусусиятлари кескин яхшиланади.

1-графиклаги 7-эгри чизикдан кўриниб турибдики, пресслаш босимининг 1,9 дан 4,5 МПа гача ортиши билан зичлик 460 кг/м³ дан 920 кг/м³ гача тенг бўлган қийматга кескин ортади ва барқарорлашади, пресслаш босимининг янада ортиши билан зичлик ўзгармайди.




7-расм. Ёғоч-пластик плита материаллари пресслаш босимининг зичлик (1), статик эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси (2), чўзилиш (3), сув сўрилиши (4) ва бўқиш (5) га боғлиқлиги

